



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 6 » avgust

№ 501

Toshkent sh.

### **Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда – Ўзгидромет) томонидан гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ахборот хизматларини тақдим этиш, ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш тизимини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш соҳасида ихтисослашган маълумотлар Ўзгидромет томонидан шартнома асосида тақдим этилиши белгилансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш регламенти** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат органлари ва ташкилотларига – ўзаро маълумотлар алмашинуви бўйича қўшма дастурлар асосида, жисмоний ва юридик шахсларга – Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар портали ёки Ўзгидрометнинг расмий веб-сайти орқали умумий мақсаддаги тезкор ва прогностик маълумотларни тақдим этиш тартиби;

гидрометеорологик маълумотлардан фойдаланадиган барча истеъмолчиларга ихтисослашган гидрометеорологик маълумотлар ва хизматларни тақдим этиш тартиби;

тегишли давлат органлари ва ташкилотларига телекоммуникация воситалари, Ўзгидрометнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ахборот ҳамда билдиришномалар кўринишида шошилинч гидрометеорологик маълумотларни тақдим этиш тартиби.

3. Ўзгидромет манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ва Ўзгидромет бош директори Ш.Х. Ҳабибуллаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил  
“6” августдаги 501-сон қарорига  
илова

## **Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда – Ўзгидромет) томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларга гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ўзгидромет томонидан гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш, лаборатория ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда тегишли маълумотларни истеъмолчиларга тақдим этиш орқали амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**умумий мақсаддаги маълумотлар** – мазкур Регламентга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиладиган умумий фойдаланиш учун мўлжалланган гидрометеорологик маълумотлар;

**ихтисослашган маълумотлар** – истеъмолчилар сўрови бўйича сақлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун қўшимча иш ва харажатлар талаб қилинадиган мақсадли гидрометеорологик ва атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ҳақидаги маълумотлар;

**шошилиш (оператив) маълумотлар** – аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф келтириши ва (ёки) атроф табиий муҳит ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва хўжалик объектларига зарар етказиши мумкин бўлган фавқулодда хавфли гидрометеорологик ҳодисалар содир бўлиши, уларнинг ҳосил бўлиши сабаблари ҳақидаги дарҳол тақдим этиладиган маълумотлар.

### **2-боб. Гидрометеорологик хизматлар кўрсатиш тартиби**

4. Умумий мақсаддаги маълумотлар ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ Ўзгидрометнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Умумий мақсаддаги маълумотлар:

давлат органлари ва ташкилотларига – ўзаро маълумотлар алмашинуви асосида бепул тақдим этилади;

жисмоний ва юридик шахсларга – Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар портали ёки Ўзгидрометнинг расмий веб-сайти орқали бепул

тақдим этилади.

5. Гидрометеорологик маълумотлардан фойдаланадиган барча истеъмолчиларга ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ ихтисослашган маълумотлар ва хизматлар шартнома асосида тақдим этилади, келишув доирасида ўзаро маълумотлар (ёки хизматлар) алмашинуви асосида ихтисослашган маълумотлар тақдим этиладиган давлат органлари ва ташкилотлари бундан мустасно.

Ихтисослашган маълумотлар нархи белгиланган тартибда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзгидромет бош директори томонидан тасдиқланган ихтисослашган гидрометеорологик хизматлар нархлари асосида белгиланади.

Пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар Ўзгидрометнинг бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига келиб тушади.

6. Шошилинч (оператив) маълумотлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ахборот ва билдиришномалар кўринишида алоқа телекоммуникация воситалари орқали, бошқа барча фойдаланувчиларга ушбу Регламентга 3-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ Ўзгидрометнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали бепул тақдим этилади.

Шошилинч (оператив) маълумотлар Ўзгидрометнинг расмий веб-сайтида ушбу Регламентга 4-иловага мувофиқ хавфли гидрометеорологик жараёнларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, 6 соатдан 72 соатгача барвақт жойлаштирилади ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарқатилади.

Шошилинч гидрометеорология ва атроф табиий муҳит тўғрисидаги маълумотлар, гидрометеорологик ҳодиса ва жараёнларнинг хавфини аниқлаш учун мезонлар, уларнинг хусусиятлари, хавфли ва ўта хавфли метеорологик, хавфли агрометеорологик, гидрологик ҳодисалар ва қор кўчкиси, шунингдек, атроф табиий муҳитнинг юқори даражада ва экстремал юқори даражада ифлосланиши ҳақидаги маълумотлар ушбу Регламентга 4а – 4ж-иловаларда берилган намуналарга мувофиқ тайёрланади.

7. Таълим муассасаларининг талабалари, магистрлари, докторантлари, профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва изланувчиларига олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг мурожаатига асосан тадқиқот мавзуси бўйича маълумотлар фондида мустақил ишлаш шарти билан ихтисослашган маълумотлар бир ўқув йили давомида бепул тақдим этилади.

8. Ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура, суд органларига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларидаги гидрометеорологик ва бошқа геофизик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш бўйича фаолият олиб борувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар

асосида бошқа ташкилотларга умумий ва ихтисослашган гидрометеорологик маълумотлар уларнинг сўрови асосида бепул тақдим этилади.

9. Ўзгидрометдан олинган гидрометеорологик ва атроф табиий муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларни тарқатишда (қайта чоп этишда) маълумот олинган манбага мажбурий тартибда ҳавола берилади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

10. Ўзгидромет гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

11. Ўзгидромет ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий гидрометеорология бошқармалари ва ўз тизимидаги бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

12. Мурожаат қилувчилар Ўзгидромет ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

13. Пуллик хизматлардан тушадиган маблағлар давлат органлари ва ташкилотларига гидрометеорологик хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш, об-ҳаво прогнозларининг аниқлигини ошириш учун Ўзгидромет тизимининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга йўналтирилади.

14. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
1-илова

Умумий мақсаддаги гидрометеорологик маълумотлар  
РЎЙХАТИ

Т/р	Номи	Таркиби
<b>I. Тезкор маълумотлар</b>		
1	Республика ва вилоят марказлари бўйича кузатув муддатларидаги ҳақиқий об-ҳаво	Ҳаво ҳарорати, атмосфера ҳодисалари, булутлилиқ
2	Ўтган кеча-кундуз учун об-ҳаво ҳолати шарҳи	Ўтган кеча-кундуз учун республика бўйича кузатилган об-ҳаво ҳолати ҳақида умумлаштирилган маълумотлар
3	Метеорологик станция бўйича қишлоқ хўжалиги ҳудудлари учун ўтган кеча-кундузга оид метеорологик маълумотлар	Ҳаво ҳарорати, тупроқ ҳарорати, атмосфера ҳодисалари, ёғингарчилик миқдори, максимал шамол тезлиги, ҳавонинг минимал нисбий намлиги, қор қоплами баландлиги, тупроқ музлаши чуқурлиги, самарали ҳарорат йиғиндиси
4	Атроф-муҳитнинг юқори даражада ифлосланиши ҳақидаги маълумотлар	Атроф-муҳитнинг юқори даражада ифлосланиши ҳолатлари бўйича ҳақиқий маълумотлар
5	4 та вилоятнинг (Тошкент, Самарқанд, Нукус ва Фарғона) марказий шаҳарлари бўйича ўтган кеча-кундуз учун кўп йиллик кузатув қаторларига иқлимий маълумотлар	Ўртача суткалик ҳаво ҳарорати, маълум йилни кўрсатиш орқали шу кун учун энг паст ва энг юқори ҳаво ҳарорати
<b>II. Прогноз маълумотлар</b>		
6	Республика вилоятлари бўйича яқин кеча-кундузга об-ҳаво прогнози	Булутлилиқ, атмосфера ҳодисалари, шамол йўналиши ва тезлиги, минимал ва максимал ҳаво ҳарорати
7	Республика вилоятлари бўйича 3-6 кунга об-ҳаво прогнози	Булутлилиқ, атмосфера ҳодисалари, шамол йўналиши ва тезлиги, минимал ва максимал ҳаво ҳарорати
8	Яқин кеча-кундузга Тошкент шаҳри бўйича об-ҳаво прогнози	Булутлилиқ, атмосфера ҳодисалари, шамол йўналиши ва тезлиги, минимал ва максимал ҳаво ҳарорати

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
2-илова

**Ихтисослашган гидрометеорологик маълумотлар ва хизматлар  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Номи</b>	<b>Таркиби</b>
1	Бирламчи ахборот маҳсулотлари	Метеорологик, актинометрик, иссиқлик баланси, радиометрик, агрометеорологик, гидрологик, сув баланси, қор кўчкиси, сел тошқини, озонметрик кузатув ва ўлчов маълумотлари
2	Иқлимий маълумотлар	Турли вақт оралиқлари учун ҳисобланган иқлим хусусиятлари (ҳаво ва тупроқ ҳарорати, атмосфера босими, шамол йўналиши ва тезлиги, ёғингарчилик миқдори, ҳаво намлиги, куёш радиацияси параметрлари ва ҳ.к)
3	Гидрологик ахборотлар	Турли вақт оралиқлари учун ҳисобланган гидрологик хусусиятлар
4	Ихтисослашган ахборот маҳсулотлари ва хизматлари	Турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнози (қисқа ва узоқ муддатли), агрометеорологик, гидрологик прогнозлар ва ушбу маълумотларни шарҳини ўз ичига олган бюллетенлар, аналитик шарҳлар, ҳисоблар, экологик (атмосфера ҳавоси ифлосланиши, табиий сув ҳавзалари ва тупроқ ифлосланиши ҳақида маълумотлар) маҳсулотлар
5	Лаборатория ва тадқиқот хизматлари	Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолатини, қор кўчиши хавфи ва сел тошқини хавфи ҳудудларида атроф муҳит ифлосланиши ҳолати, гидрологик ва иқлим тадқиқотларини баҳолаш бўйича ишларни бажариш
6	Гидрометеорологик асбобларни ва ўлчов воситаларини қиёслаш ва уларни метрологик синовлардан ўтказиш хизматлари	Гидрометеорологик асбобларни ва ўлчов воситаларини босим параметрлари, ҳаракат параметрлари ҳарорат ва термофизик катталиклар бўйича қиёслаш ва уларни метрологик синовлардан ўтказиш, ўлчаш воситасининг текширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки ўлчаш воситасининг яроқсизлиги тўғрисидаги маълумотнома бериш

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
3-илова

**Шошилинч гидрометеорологик маълумотлар  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Номи</b>	<b>Таркиби</b>
1	Хавфли ва ўта хавфли метеорологик ҳодисалар хавф-хатари ҳақида ахборот хабар (шторм огоҳлантириш)	Кучли ёғингарчилик, дўл, кучли шамол, об-ҳавонинг кескин ўзгариши, совуқ, аномал иссиқ, аномал совуқ об-ҳаво
2	Хавфли гидрологик ҳодисалар хавф-хатари тўғрисида (шторм) огоҳлантириш	Тоғ олди ва тоғ ҳудудларда сел ўтиши, дарёларда тошқин бўлиши, дарё ва сойларда сув сатҳининг кескин пасайиб кетиши, баланд тоғ кўллари (морена) ёриб чиқиши мумкинлиги, муз ҳодисалари ривожланиши
3	Тоғ олди ва тоғ ҳудудлар бўйича қор кўчкиси хавфи ва об-ҳавонинг ёмонлашиши шароити ҳақида ахборот хабари (шторм огоҳлантириш)	Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда қор кўчки хавфи ва об-ҳаво шароитининг ёмонлашиши бўйича фон прогнози
4	Стратегик объектларда қор кўчиши хавфи ва об-ҳаво шароитининг ёмонлашиши ҳақида ахборот хабари (шторм огоҳлантириш)	Қамчиқ довонида қор кўчиши хавфи ва об-ҳаво шароитининг ёмонлашиши
5	Сайёҳлик зоналарида қор кўчиши хавфи ва об-ҳаво шароитининг ёмонлашиши ҳақида ахборот хабари (шторм огоҳлантириш)	Чимён табиий ҳудуд чегарасида қор кўчиши хавфи ва об-ҳаво шароитининг ёмонлашиши
6	Табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ва офатлар юз берадиган ҳудудларда 1-6 кунга об-ҳаво прогнози	Фавқулодда вазиятлар содир бўлган ҳудудларда қутқарув ва тиклаш ишларини олиб бориш вақтида прогнозларнинг мазмуни, ҳар бир ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилади



Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
4-илова

**Хавфли гидрометеорологик ҳодисаларнинг  
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ҳодисалар тури</b>	<b>Ҳодисалар хусусиятлари</b>
1	Хавфли метеорологик ҳодисалар	Кучли шамол, қасирға (шиддатли шамол), чангли (қумли) бўрон, қор бўрон (изғирин), туман, кучли ёмғир (ёмғир қор билан), кучли қор, дўл, станцияда ёки атрофда момақалдироқ, яхмалак, ҳўл қорнинг мураккаб қатламлари, булдуруқ, йўлларда яхмалак, иссиқ об-ҳаво, иссиқ ва қуруқ ҳаво (атмосфера қурғоқчилиги)
2	Ўта хавфли метеорологик ҳодисалар	Жуда кучли шамол (довул), қасирға (шиддатли шамол), ҳалокатли довул, кучли чангли (қумли) бўрон, кучли қорли бўрон, кучли туман, жуда кучли ёмғир (ёмғир қор билан), жуда кучли жала, жуда кучли қор, йирик дўл, кучли яхмалак-булдуруқ қатламлари, кучли совуқ, кучли иссиқ, аномал совуқ об-ҳаво, аномал иссиқ об-ҳаво, ўта иссиқ ва қуруқ ҳаво (атмосфера қурғоқчилиги)
3	Хавфли агрометеорологик ҳодисалар	Ҳаво ва тупроқ юзасида совуқ, қурғоқчилик, қуруқ иссиқ шамол, музлаш, тупроқ қатқалоқлиги
4	Хавфли гидрологик ҳодисалар	Сел ва сел оқими, дарё тошқини, тошқин, муз парчалари, муз парчалари ҳаракати, музнинг тикилиб қолиши, музнинг тикилиб қолиши, батамом музлаш, муз оқиши, гидрологик қурғоқчилик
5	Хавфли қор кўчкиси ҳодисалари	Кўчки, қор карнизларининг қулаши (ажралиши)
6	Атроф табиий муҳитнинг юқори даражада ифлосланиши	Атмосфера ҳавосининг юқори даражада ифлосланиши, юза сувларнинг юқори даражада ифлосланиши, тупроқнинг юқори даражада ифлосланиши, юқори радиоактив ифлосланиш
7	Атроф табиий муҳитнинг экстремал юқори даражада ифлосланиши	Атмосфера ҳавосининг экстремал юқори даражада ифлосланиши, юза сувларнинг экстремал юқори даражада ифлосланиши, тупроқнинг экстремал юқори даражада ифлосланиши

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
4а-илова

**Хавфли метеорологик ҳодисаларнинг  
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ҳодисалар номи</b>	<b>Ҳодисалар хусусиятлари ва мезонлари</b>
1	Кучли шамол	Максимал шамол тезлиги 15-24 м/с
2	Қасирға (шиддатли шамол)	Шамол қисқа муддатга кескин (бир неча дақиқа давомида, лекин 1 дақиқадан кам бўлмаслиги керак) 15-24 м/с гача кучайиши
3	Чангли (қумли) бўрон	Тезлиги 15 м/с ва ундан юқори тезликдаги шамол таъсирида чанг (қум) кўчиши, давомийлиги 3 соатдан кам бўлмаган горизонтал метеорологик узоқлик кўринишининг 500-1000 метргача ёмонлашиши
4	Қор бўрон (изғирин)	Тезлиги 15 м/с ва ундан юқори тезликдаги шамол таъсирида юзадан қорни кўчиши, давомийлиги 3 соатдан кам бўлмаган метеорологик узоқлик кўринишининг 500-1000 м гача ёмонлашиши
5	Туман	Давомийлиги 3 соатдан кам бўлмаган метеорологик узоқлик кўринишининг 50-1000 м гача ёмонлашиши
6	Кучли ёмғир (ёмғир қор билан)	Ёғингарчилик миқдори 12 соат ва ундан кам вақт ичида 15-29 мм
7	Кучли қор	Ёғингарчилик миқдори 12 соат ва ундан кам вақт ичида 7-19 мм
8	Дўл	Диаметри 6-19 мм бўлган дўл
9	Станцияда ёки атрофда момақалдирок	Мавжуд бўлган ҳолларда
10	Яхмалак, хўл қорнинг мураккаб қатламлари, булдуруқ	Яхмалак – электр симларида ҳосил бўлган ва диаметри 20 мм гача бўлган муз. Хўл қорнинг мураккаб қатламлари – ҳосил бўлган ва диаметри 35 мм гача бўлган муз. Булдуруқ – ҳосил бўлган ва диаметри 50 мм гача бўлган муз.
11	Йўлларда яхмалак	Ер сирти ва ундаги жисмлар устига ёққан ёмғир ва шивалама ёмғирнинг ўта совиган томчиларининг яхлашидан ҳосил бўладиган ниҳоятда зич муз қатлами
12	Иссиқ об-ҳаво	Май ойдан сентябрь ойигача бўлган даврда беш ва ундан кўп кун давомида 40° ва ундан юқори бўлган максимал ҳарорат кўрсаткичи
13	Иссиқ ва қуруқ ҳаво (атмосфера қурғоқчилиги)	Кеча-кундузлик ҳаво нисбий намлиги камоматининг максимал 60-70 гПа оралиқдаги кўрсаткичи

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
46-илова

Ўта хавфли метеорологик ҳодисаларнинг  
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳодисалар номи	Ҳодисалар хусусиятлари ва мезонлари
1	Жуда кучли шамол (довул)	Максимал шамол тезлиги 25 м/с ва ундан юқори
2	Қасирға (шиддатли шамол)	Шамол қисқа муддатга кескин (бир неча дақиқа давомида, лекин 1 дақиқадан кам бўлмаслиги керак) 25 м/с гача ва ундан юқори кучайиши
3	Ҳалокатли довул	Шамол 33 м/с ва ундан юқори тезликда
4	Кучли чангли (қумли) бўрон	Тезлиги 15 м/с ва ундан юқори максимал тезликдаги шамол таъсирида чанг (қум) кўчиши, давомийлиги 3 соатдан кўп бўлмаган метеорологик узоклик кўринишининг 500 м дан кам ёмонлашиши
5	Кучли қорли бўрон	Тезлиги 15 м/с ва ундан кўп шамол таъсирида юзадан қорни кўчиши, давомийлиги 3 соатдан кўп бўлмаган метеорологик узоклик кўринишининг 500 м дан кам ёмонлашиши
6	Кучли туман	Сувнинг энг кичик заррачалари (чанг, ёниш маҳсулотлари) тўпланиши ҳисобига ҳавони кучли хиралашиши, бунда давомийлиги 3 соатдан кўп бўлмаган горизонтал метеорологик узоклик кўриниши 50 мм дан кам ёмонлашиши
7	Жуда кучли ёмғир (ёмғир қор билан)	Ёғингарчилик миқдори 12 соат ва ундан кам вақт ичида 30 мм ва ундан кўп
8	Жуда кучли жала	Ёғингарчилик миқдори 1 соат ва ундан кам вақт ичида 15 мм ва ундан кўп
9	Жуда кучли қор	12 соат ва ундан кам вақт ичида 20 мм ва ундан кўп бўлган ёғингарчилик миқдори
10	Йирик дўл	Диаметри 20 мм ва ундан катта бўлган дўл
11	Кучли яхмалак	Электр симларида яхмалак диаметри: яхмалак – 20 мм дан кўпроқ; хўл қор ёки мураккаб қатламлари – 35 мм дан кўпроқ; булдуруқ – 50 мм дан кўпроқ.
12	Кучли совуқ	Ноябрь ойидан март ойигача бўлган даврда 20° совуқ ва ундан паст бўлган минимал ҳаво ҳарорати, шимолий ҳудудлар учун 20° совуқ ва ундан паст бўлган минимал ҳаво ҳарорати
13	Кучли иссиқ	Май ойидан август ойигача бўлган даврда 43° ва ундан юқори бўлган максимал ҳаво ҳарорати, жанубий ҳудудлар ва чўл ҳудудлар учун 46° ва ундан юқори бўлган максимал ҳаво ҳарорати
14	Аномал совуқ об-ҳаво	Октябрь ойидан апрель ойигача бўлган даврда беш ва ундан кўп кун давомида иқлимий меъёрдан 7° ва ундан паст бўлган ўртача суткалик ҳаво ҳарорати кўрсаткичлари
15	Аномал иссиқ об-ҳаво	Апрель ойидан сентябрь ойигача бўлган даврда беш ва ундан кўп кун давомида иқлимий меъёрдан 7° ва ундан юқори бўлган ўртача суткалик ҳаво ҳарорати кўрсаткичлари
16	Ўта иссиқ ва қуруқ ҳаво (атмосфера қурғоқчилиги)	Кеча-кундузлик ҳаво нисбий намлиги камоматининг максимал 70 гПа ва ундан юқори ораликдаги кўрсаткичи

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
4в-илова

**Хавфли агрометеорологик ҳодисаларнинг  
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ҳодисалар номи</b>	<b>Ҳодисалар хусусиятлари ва мезонлари</b>
1	Ҳаво ва тупроқ юзасида совуқ	Қишлоқ хўжалик экинлари вегетацияси фаол бўлган ёки ҳосил йиғим-терими даврида ҳаво ёки тупроқ юзасида ўртача кеча-кундузлик ҳаво ҳарорати 0° дан паст кўрсаткичларгача пасайиши
2	Қуруқчилик	Қуруқ барқарор об-ҳаво давомийлиги (бир ўн кунликдан ва ундан кўп ва муддатлардан ҳеч бўлмаса биттасида максимал ҳаво ҳарорати 35° ва ундан юқори ва ҳавонинг нисбий намлиги 30% ёки ундан кам бўлиши
3	Қуруқ иссиқ шамол	Ҳаво ҳароратини юқори (максимал кўрсаткичи 40° ва ундан юқори) бўлиши, нисбий намлик пастлиги (кузатув муддатларидан камида бир марта 30% ва ундан кам) ва шамол (шамол тезлиги 5 м/с ва ундан кўп) беш ва ундан кўп кун давомида сақланиб туриши
4	Музлаш	Қор қоплами бўлмаганда 5 кун давомида паст ҳаво ҳарорати (минимал кўрсаткич 20° ва ундан паст) сақланиб туриши
5	Тупроқ қатқалоқлиги	Беш ва ундан кўп кун давомида зич (жуда зич) тупроқ қатқалоқлиги сақланиб туриши

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
4г-илова

**Хавфли гидрологик hodисаларнинг  
НАМУНАВИЙ РҮЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ходисалар номи</b>	<b>Ходисалар хусусиятлари ва мезонлари</b>
1	Сел ва сел оқими	Жадал жала ёмғирлар ёки қорни тез эриши натижасида тўсатдан, тоғли дарё хавзаларида ҳосил бўладиган сув ва тоғ жинслари аралашмасидан иборат жуда тез оқиб келадиган сув ўзани оқими, баланд тоғ қўллари (морена) ёриб чиқиши
2	Дарёнинг тўлин сув даври	Қор эриши натижасида дарёда сувнинг кўпайиши ҳар йили деярли бир хил фаслда такрорланиши ва узоқ вақт (2-6 ой) давом этиши
3	Тошқин	Йилнинг турли мавсумларида кўп маротаба қайтарилиши мумкин бўлган сув тартиби фазасида сув сатҳи ва сув сарфи жадал кўпайиши (одатда қисқа муддатга) билан тавсифланади. Ҳаво исийиши даврида ёмғир ва жадал қор эриши ҳисобига юзага келади
4	Муз парчалари	Бўш муз тўпланиши сув ичидаги музларни сув юзасига сузиб чиқиши ҳисобига вужудга келади
5	Муз парчалари ҳаракати	Сув оқими юзасида муз парчаларининг ҳаракати
6	Музнинг тикилиб қолиши	Муз тикилиб қолиши вақтида муз тўпланиши, дарёнинг айрим участкаларида ўзани сиқиб қўйиши юзага келади ва сув сатҳи ўзгаришини вужудга келтиради
7	Кузги муз тикилиши	Батамом музлаш бошида муз тикилиб қолиши ва сув ичидаги музларни тўпланиши, сув сатҳи ўзгаришини вужудга келтиради
8	Батамом музлаш	Дарёда ялпи муз қоплами ўрнашиши
9	Муз оқиши	Дарёда муз парчалари ва муз майдонлари ҳаракати
10	Гидрологик қурғоқчилик	Дарё ва сув омборларига сув оқиб келишининг пасайиши, ер ости сувлари захираларни камайиши, бу сувга бўлган эҳтиёжни қондиришда қийинчиликларга олиб келади

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
4д-илова

**Хавfli қор қўчкиси ҳодисаларининг  
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ҳодисалар номи</b>	<b>Ҳодисалар хусусиятлари ва мезонлари</b>
1	Кўчки	Тоғ ва тоғ олди ҳудудларда қиялик бўйлаб қор массаларининг ҳаракати (силжиши)
2	Қор карнизларининг қулаши (ажралиши)	<p>Тоғ жарликлари ёки ёнбағирларини шамолга тескари томонининг энг четида ҳосил бўлган ва кўп тўпланган зич қорнинг қулаши.</p> <p>Қорнинг изғирин натижасида қўчиши асосан шамолга тескари ёнбағирларда ҳосил бўлади. Улар қор (<math>300 \text{ кг/м}^2</math> дан юқори) зич бўлганлиги сабабли, автомобиль йўллари, темир йўллар ва бошқа объектларга тўғридан тўғри қулаб тушганда хавф туғдиради.</p>

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
4е-илова

**Атроф табиий муҳитнинг юқори даражада  
ифлосланиши ҳақидаги маълумотларнинг  
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳолат номи	Хусусиятлари ва мезонлари
1	Атмосфера ҳавосининг юқори даражада ифлосланиши	Бир марталик рухсат этилган меъёр (РЭМ)дан 5-9 марта ошадиган битта ёки бир нечта моддаларнинг таркиби. Кузатувларнинг умумий ҳажмининг 20 фоизидан кўпроғини такрорлаш имконияти билан бир марталик максимал рухсат этилган концентрациянинг мунтазам равишда ошиб бориши.
2	Юза сувларнинг юқори даражада ифлосланиши	Бир ёки бир нечта моддаларнинг концентрациялардаги РЭМ дан 10 мартадан 49 мартагача юқори бўлган бир марталик таркиби. 15 дан 60 мгО <sup>2</sup> /л гача бўлган биокимёвий кислород истеъмол қилиш қиймати (БОД5). Эритилган кислород концентрациясини 3 дан 2 мгО <sup>2</sup> /л гача камайтириш.
3	Тупроқнинг юқори даражада ифлосланиши	Санитария ва токсикологик мезонларга мувофиқ 20 дан 49 РЭМгача бўлган концентрациядаги пестицидларнинг таркиби ёки фитотоксик мезонларга мувофиқ 2 дан 10 гача РЭМ бўлган пестицидларнинг таркиби. 25 дан 50 РЭМгача бўлган концентрациялардаги техноген келиб чиқувчи ифлослантурувчи моддаларнинг таркиби.
4	Юқори радиоактив ифлосланиш	3700*(10-5) Бк/м <sup>3</sup> ўлчов натижалари бўйича атмосферанинг ер сирти қатламидаги радиоактив моддаларнинг концентрацияси. Суткада 110Бк/ м <sup>2</sup> дан ошадиган радиоактив моддаларнинг зичлиги. Жойларда соатига 0,30 мкз дан ошувчи радиация даражаси.

Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит  
ифлосланиши мониторинги соҳасида  
ихтисослаштирилган хизматлар  
кўрсатиш регламентига  
4ж-илова

**Атроф табиий муҳитнинг экстремал юқори даражада ифлосланиши  
ҳақидаги маълумотларнинг  
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳолат номи	Хусусиятлари ва мезонлари
1	Атмосфера ҳавосининг юқори даражада ифлосланиши	Бир марталик рухсат этилган меъёр (РЭМ)дан ошадиган битта ёки бир нечта моддаларнинг таркиби, 10-14 марта ушбу даражани 2 сутка сақлаб турганда, 15-24 марта бу даражани 8 соат ва ундан ортиқ сақлаб турганда, 25 ва ундан ортиқ сақлаб турганда. Кўринувчи белгилар: ушбу ҳудуд учун ғайриоддий барқарор хиднинг пайдо бўлиши, ҳавонинг инсон сезгиларига таъсирини аниқлаш, рангли ва кислотали ёғингарчилик.
2	Юза сувларнинг юқори даражада ифлосланиши	РЭМ дан 50 ва ундан ортиқ бўлган бир ёки бир нечта моддаларнинг концентрациялардаги максимал-бир марталик миқдори. Эритилган кислороднинг 2 мгО <sup>2</sup> /л гача пасайиши, биокимёвий истеъмолнинг (БОД <sub>5</sub> ) 60 мгО <sup>2</sup> /л дан ошиши. Балиқ ва ўсимликларнинг оммавий қирилиши.
3	Тупроқнинг юқори даражада ифлосланиши	Санитария ва токсикологик мезонларга мувофиқ 50 ёки ундан ортиқ РЭМ концентрацияларда пестицидларнинг миқдори. Фитотоксик мезонлар бўйича 10 ёки ундан ортиқ РЭМ. РЭМдан 50 ва ундан кўпроқ марта ошувчи техноген таркибдаги концентрацияларда ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори.

